Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти
КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ


*Ўзбекистонни ўз ватаним деб биладиган юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари — тили, дини, миллатидан қатъи назар — ягона, аҳил оила бўлиб яшамоқда.*

**Ислом КАРИМОВ**

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 32 (9.224) 1999 йил 22 март, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

# НАВРЎЗИ ОЛАМ – ЯШАРИШ ВА ПОКЛАНИШ ФАСЛИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАДАГИ ТАБРИК СЎЗИ



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор барчангизни она юртимиз — Ўзбекистонимизга кириб келган Наврўзи олам — яшариш ва покланиш фасли билан чин қалбимдан муборакбод этаман!

Шу қутлуғ кунларга соғ-омон етиб келганимиз учун беқиёс диёримиз бағрида яшаётган ҳар бир инсон — кексалик нашидасини сураётган дуогўй ота-оналаримиз, ёшлик завқи билан яшаётган азиз фарзандларимиз, мунис ва гўзал аёлларимиз — барча-барчамиз Яратганимизга ҳамду санолар, чексиз шукроналар айтамиз.

Наврўз — бизнинг ҳақиқий, асл миллий байрамимиздир. Бу муборак айёмнинг улуғ хосияти шундаки, бу фаслда халқимизнинг олижаноблиги, бағрикенглиги, саховати, она табиат билан ҳамнафас бўлиб уйғун яшашга интилиши айниқса яққол намоён бўлади.

Наврўзи оламда, борлиқ яшариб-янгиланганда, еру кўкда буюк илоҳий мўъжизалар содир бўладиган қутлуғ паллада, ҳар бир инсон табиатнинг бетакрор сеҳри ва гўзаллигини янгидан англайди, юрагида янги орзу-умидлар куртак очади. Деҳқоннинг билаги ва белига куч-қувват киради, қонида ғайрат-шижоат жўш уради.

Қадрли дўстлар!

Қадимий ва бетакрор, миллий ўзлигимизни англаш тимсоли бўлмиш Наврўз айёми истиқлол шарофати туфайли янгича мазмун касб этмоқда, халқимизнинг бу муқаддас шодиёнаси юртимиздаги тинчлик, эзгулик, сахийлик, бунёдкорлик байрамига айланмоқда.

Шубҳа йўққи, эзгу ниятларимиз амалга ошгани сари юртимизда йилдан-йилга бу байрамнинг ҳам файзу шукуҳи ортаверади. Келгуси Наврўзларни бундан ҳам тўкин, бундан ҳам фаровон, бир сўз билан айтганда, энг олий орзу-умидларимиз ушалган шароитда кутиб оламиз, иншоолло.

Ёруғ келажак сари интилаётган халқимизнинг меҳнати билан юртимиз кун сайин обод бўлмоқда. Жамиятимиз янгиланиб, тафаккуримиз ўзгариб бормоқда. Меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби фазилатлар одамларимиз фикру зикридан мустаҳкам ўрин олмоқда.

Ўзбекистонни ўз Ватаним деб биладиган юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари — тили, дини, миллатидан қатъи назар — ягона, аҳил оила бўлиб яшамоқда.

Бугун бу ҳақиқатни бутун дунё, жаҳон аҳли эътироф этмоқда, олдимизда турган мақсадлар ва эзгу интилишларимизни амалга оширишда бизга ҳамкорлик қўлини узатмоқда.

Бугунги мўътабар айёмда мана шу нуфузли минбардан туриб, сиз азизларнинг номингиздан бутун дунё аҳлини ишонтириб айтмоқчиман:

Биз ўз танлаган мустақил йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Буюк келажак, эркин, фаровон ҳаёт қуриш учун сабот ва матонат билан меҳнат қиламиз.

Озод Ватанимизга, мусаффо осмонимизга, Наврўзимизга, динимиз ва эътиқодимизга, фарзандларимиз бахтига чанг солмоқчи бўлганлар, бугунги ҳаётимизни, истиқболи очилиб бораётган эртанги кунимизни кўролмайдиганлар билсин: халқимизни бу улуғ ва муқаддас йўлдан асло қайтариб бўлмайди!

Ҳурматли ватандошларим, юртдошларим!

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, дилимдаги яна бир фикрни сиз азизларга изҳор этмоқчиман.

Яқинда пойтахтимизда мудҳиш воқеалар бўлиб ўтган дамларда мен ўз тақдиримнинг халқим тақдири билан чамбарчас боғланиб кетганини бутун қалбим билан янада теран англадим.

Халқимнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги менинг ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолганини яна бир бор бутун вужудим билан чуқур ҳис этдим. Буюк аждодларимизнинг пок руҳлари олдида, бугунги ва келажак авлод олдида бутун борлиғим, қалбимдан иймон келтириб такрор ва такрор айтмоқчиман:

Мен ҳаёт эканман, йўлимдан қайтмайман, Ватанимиз ва халқимиз ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди!

Мана шу юксак минбардан туриб, миллионлаб юртдошларимнинг сабр-бардоши, меҳр-оқибати, шахсан менга бўлган юксак ишонч ва ҳурмати учун халқимга яна бир бор самимий муҳаббатимни билдириб, таъзим қиламан.

Муҳтарам биродарлар!

Наврўз нафаси уфуриб турган шу муборак айёмда барча хайрли тилакларимиз рўёбга чиқсин!

Яратганимизнинг ўзи Ватанимизни, халқимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрасин!

Наврўзи оламингиз муборак бўлсин, азиз юртдошларим!

## Тошкент. 1999 йил 21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Ўлкамизга ўзининг бутун файз-тароватини, фусункорлиги билан фаслларнинг келинчаги бўлмиш баҳор ўз сепини ёйди. Табиат уйғониб дарахтлар куртак ёзмоқда, қийғос очилган ўрик гулларини кўриб кишининг баҳридили очилади. Хуллас бутун юртимиз гулларга, эзгуликка, гўзалликка бурканди.

Мана шундай ажойиб, шукуҳли дамларда яшариш, янгиланиш ва покланиш рамзи бўлмиш Наврўзи олам ҳам ўлкамизга кириб келди.

**КЕЧА**

Ўзига хос байрамона руҳда ажойиб безатилган, янгиланиш тароватига мос ажиб ва файзли бир қиёфага кирган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўзга бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Узоқ кутилган фарахбахш дамлар келиб кишилар ушбу қутлуғ кун билан бир-бирларини табрикладилар. Бу ерга йиғилган юртимизнинг донгдор кишилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиздаги элчихоналарнинг ходимлари, узоқ-яқиндан ташриф буюрган кўплаб меҳмонларнинг ушбу кун диллари бениҳоя яйради.

Соат 11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов майдонга кириб келдилар. Ўтирганлар давлатимиз раҳбарини ўринларидан туриб, гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлиси Раиси ва Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар марказий минбардан жой эгаллайдилар.

Ким атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг

*Новдаларни безаб*
*ғунчалар,*
*Тонгда айтди ҳаёт*
*отини...*

мисралари билан бошланувчи шеъридан завқланмаган, дилларни қитиқловчи ушбу қўшиқни эшитиб олам-олам қувончу кўтаринки кайфиятга ошно бўлмаган дейсиз. Юртимизга баҳор, Наврўзи олам кириб келганини билдирувчи ушбу қўшиқ ижроси билан байрам тантаналари бошланди.

Сўнг Республикамиз Президенти Ислом Каримов байрам қатнашчилари, бутун Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини халқимизнинг энг қадимий ва фусункор байрами билан муборакбод этиб, ўзларининг дил сўзларини изҳор этдилар. Юртбошимиз ҳақиқий, том маънода миллий байрамимиз бўлмиш Наврўзи олам кириб келган фаслда халқимизнинг олижаноблиги, саховатпешалиги намоён бўлиши, деҳқонларнинг билаги кучкувватга тўлиши, қонида ғайрат-шижоат жўш уришини айтиб, истиқлол шарофати билан тикланаётган кўпгина маънавий қадриятларимиз сингари Наврўзи олам янгича мазмун касб этаётгани, юртимизда йилдан йилга унинг файзи, шукуҳи ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаб бутун халқимизга баҳамжиҳатлик, аҳиллик, тинчлик, осойишталик ва фаровонлик тиладилар.

Сўнг республикамизнинг энг сара бадиий жамоалари, таниқли санъаткорлар, дорбозларнинг чиқишлари бошланди. Айниқса «Ором», «Булбулча», «Юлдузча» болалар дасталарининг қувноқ чиқишлари барча йиғилганларнинг қалбларига хушнудлик ва илиқлик бахш этди.

«Жаннат оналар оёғи остидадир», дея бажиз айтилмаган. Юртбошимиз ташаббуслари билан Аёллар йили сифатида нишонланаётган бу йилда ҳам Наврўз байрамида аёлларни эъзозлаш, уларнинг муқаддас ва азиз эканлигини кўрсатишга ўзига хос ёндошилди. Шу жиҳатдан олганда, байрамнинг «Туркистоннинг азиз оналари» қисмида қадим-қадимлардан то ҳозирги кунимизга қадар эл-юрт фаровонлиги, тинчлиги ва маънавий камолоти йўлида ўз ҳаётларини бахшида қилган Тўмарис, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Зулфия каби мунис, мўътабар ватандошларимизнинг янги қирралари очиб берилди, улар яна бир карра улуғланди. Юртимиз эстрада юлдузларининг чиқишлари ҳам Наврўзи олам тантанасига гўёки узукка кўз қўйгандек ярашди. Умуман, бу йилги Наврўз шодиёналарининг кўтаринки руҳда бетакрор ўтишида «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси, «Ўзбекнаво» концерт гастроль бирлашмаси, шаҳримиздаги театрлар санъаткорлари, олий ўқув юртлари талабалари ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишди.

Ҳа, бу кун бутун вилоятларимиз аҳли, юртимизда истиқомат қилаётган барча халқлар гўёки битта саҳнада жипслашди. Энг жозибали удумларимиз, миллий анъаналаримиз, санъатимизнинг асл намуналари байрам дастурида ўз аксини топди. Миллатимиз байрамга ҳамоҳанг





бўлиб яйради, яшнади. Шу куни янграган ҳар бир қўшиқ, рақс юртимизнинг буюк келажаги, осойишталик, фаровонлик нурларини қалбимизга жо қилди.

Наврўз шодиёналари сўнггида Юртбошимиз савдо ярмаркасини кўздан кечириб, табаррук отахонларимиз билан самимий омонлашдилар, уларни муборак айём билан қутладилар.

Ҳа, бу йилги Наврўз байрамининг ўзига хос томонларидан бири шунда бўлдики, у замонавий техника воситалари ёрдамида Осиё, Европа, Америка ва Австралия каби қитъаларнинг 50 дан ортиқ мамлакатларига узатилди. Демакки, бутун ер куррасининг халқлари бизнинг гўзал, бетакрор ва файзли байрамимизга ошно бўлиб, миллатимизнинг маънавияти, юксак ўтмиши, буюк келажаги борлигига бевосита ишонч ҳосил қилдилар.

Шу куни Наврўз шодиёналари пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги, Мирзо Улуғбек, Мустақиллик, Хадра, Амир Темур хиёбонида, Алишер Навоий номидаги театр майдонида бўлиб ўтди. Ушбу байрам шодиёналари, халқ сайиллари Миллий боғда ўтказилган асосий тантаналарга ҳамоҳанг бўлди.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

*СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўзи олам тантаналаридан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*









## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Наврўз байрами муносабати билан дунёнинг турли бурчакларидаги давлатлар, ҳукуматларнинг раҳбарларидан, ташкилотлардан, фуқаролардан табрикномалар келмоқда. АҚШ Президенти Билл Клинтон давлатимиз раҳбарига самимий қутлов йўллади.

● Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

● Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ташаббус-98» республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлди. Ғолибларга Ўзбекистон Президенти номидан совғалар топширилди.

● Наврўз байрами арафасида Шайхонтоҳур туманида савдо мажмуи фойдаланишга топширилди.

● Пойтахтимизнинг Фарғона йўли шоҳбекатида ёнилғи қуювчи янги шохобча фойдаланишга топширилди.

● Озарбайжоннинг Тошкентдаги элчихонасида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Давлат санъат музейида дўппилар ва амалий санъат усталари яратган буюмларнинг кўргазмаси очилди.

● Германия ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги дипломатия академиясида Наврўзга бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Бу ерда Ўзбекистон рассомлари ва амалий санъат усталари яратган асарлар кўргазмаси ташкил этилди, концерт қўйиб берилди. Байрам меҳмонларига сумалак тортилди.

● **Кеча** Исроил Бош вазири Бенямин Нетаняху қисқа муддатли ташриф билан Киевга келди. У Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенко ва Президент Леонид Кучма билан учрашди. Томонлар икки томонлама Украина — Исроил муносабатларини ривожлантиришнинг истиқболларини муҳокама қилдилар.

● **Кеча** Грозниййда Чеченистон Президенти Аслан Масхадовнинг ҳаётига суиқасд қилинди. Президент тушган машиналар карвони Победа шоҳкўчаси бўйлаб бораётган пайтда бомба портлади. Аслан Масхадовнинг ўзи шикастланмади. Бир киши ҳалок бўлди, саккиз киши жароҳатланди.

● **Кеча** Финляндияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Социал-демократлар 12 депутатлик ўрнини йўқотдилар, бироқ етакчи партия позициясини ўзида сақлаб қолди.

● Ўтган жума куни Шимолий Осетия пойтахти Владикавказдан узоқ бўлмаган марказий бозор павильонида кучли портлаш юз берди. Террорчилик ҳаракати оқибатида 64 киши ҳалок бўлди, 100 дан ортиқ киши жароҳатланди. Ҳаммаси бўлиб 227 киши шикастланди. Жиноятчиларни қидириш ишлари олиб борилмоқда.

● **Кеча** Брюсселда Европа Иттифоқи мамлакатлари дипломатия маҳкамалари раҳбарларининг учрашуви бўлди. Ушбу учрашув Европа Иттифоқининг Берлинда ўтказиладиган саммити доирасида ўтказилди.

● Ўзбек халқининг ардоқли фарзанди, етук давлат арбоби, атоқли саркарда, ажойиб шеър ва ғазаллар соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари — «Бобурнома» япон тилида нашр этилди.

● Туркияда атоқли ўзбек шоири Абдулла Ориповнинг «Ҳур ўлкам» китоби босмадан чиқди.

***Гулнора аллаким билан гаплашиб, гўшакни жойига қўйдию бир зум жимиб қолди.***

***— Ҳа, тинчликми? — деб сўради ишга отланаётган эри.***

***— Дадам бетоб бўлиб қолибдилар. Қизиқ, нима қилсамикин? Сиз ишдан қайтишда бирров хабар олиб келақолинг. Мен кечқурун Шаҳлонинг боғчасига — ота-оналар мажлисига боришим керак...***

***— Ия, бизда ҳам бугун кечқурунга йиғилиш белгиланганди-ку! — деди эркак.***

Аёл жаҳл аралаш ўз-ўзича сўзланди:

— Тавба, Наврўз кунларида ишдан ортиб ота-онангдан хабар ололмасанг. Қанақа одам бўлдик, ўзи?

Эр-хотин «Нима қилсак экан-а?» дегандек бир-бировига қараб қолишди. Сумкасини елкасига осиб, туфлисини кияётган Нодир буларнинг суҳбатини эшитиб, жилмайиб қўйди.

Кечқурун эркак ишдан қайтганида аёл қизалоғини бағрига босганча хомуш ўтирарди.

— Сизга нима бўлди? — сўради эркак ташвишга тушиб.

— Нодир ҳалигача мактабдан қайтгани йўқ.

— Нега? Ўртоқлариникига қўнғироқ қилмадингизми?

— Ҳаммасиникидан сўроқладим. Билмаймиз, дейишди.

— Кутайлик-чи, келиб қолар, — деди эркак. Негадир товуши титраб чиқди.

Вақт ўтиб борар, кечки овқатга ҳали ўт ёқилмаган, телевизор қўйилмаган, ташқарида эса ёмғир шатирлаб қуяр, буларнинг бариси уйига аллақандай ваҳима олиб киргандек бўларди.

Кечки соат тўққизга яқин эшик қўнғироғи жиринглади. Эр-хотин бараварига ирғиб туришди. Остонада Нодир кулиб турарди.

— Мактабдан чиқиб, бувамникига бордим. Анча тузук бўлиб қолибдилар. Сизларга салом дедилар!

Аёл ҳамон ўғлини бағридан қўйиб юбормас, алланарсалар деб пичирлар, эркак эса «Яшавор, ўғлим!» дегандек мамнун жилмаярди...

Изҳор

# КЕЛДИ АШРАФ БАРЧА ОЛАМ АҲЛИДИН...

***Бир неча кундирки, Насибанинг кўнгли ғаш. Арзимаган нарса сабаб бўлиб, қўшниси Қумрихон билан аразлашиб қолди. Икки қўшни ёнма-ён идорада ишлар, кўпинча иккови эрталаб йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетишарди. Ишдан қайтаётиб ҳам эшик ёнида учрашиб қолганларида бир зумгина чақчақлашардилар. Мана, уч-тўрт кундирки, иккови бир-бирига дуч келишса терс бурилиб кетишади. Гап йўқ, сўз йўқ...***

Насиба ишдан қайтаётиб шуни ўйлар, Наврўз арафасида арзу-араз қилиб юриш яхшилик аломати эмаслигини ичичдан ҳис қиларди. Сўнг у ўзини оғир ўйлардан чалғитмоқчи бўлди. «Нима овқат қилсамикин, — дея ўйлади сўнгра. — Мана, Наврўз ҳам яқин қолди, лекин ҳали бирор мартаям болаларга кўк сомса пишириб беролмадим-а?»

У йўл-йўлакай кўкат бозорига кирди. Исмалоқ, жағ-жағ, ялпиз харид қилди. Кечқурун болалари бирин-кетин кириб келишганида, уй ичини кўк сомсанинг иси тутиб кетганди. Насиба иссиқ сомсалардан бир ликобчага териб, ўғлига тутқазди: — Ма, Қумри опангникига олиб кир.

Ўғли бирпасдан сўнг қайтиб келди.

— Ойижон, ўртоғим билан бир қур шахмат ўйнадик. Сомсани мақтаб-мақтаб ейишди, сизга раҳмат айтишди.

Насиба эрталаб нонушта тайёрлаётганида эшик қўнғироғи жиринглади. Чиқса, Қумрихон. Жилмайиб турибди. Қўлидаги пиёлада сумалак.

— Ҳозиргина маҳалладан, ойимлар берворибдилар. Сизларга илиндим.

Икки қўшни шу куни гўё ораларидан ҳеч нарса ўтмагандек, чақчақлашиб ишга кетишди.

* * *

— Наврўз хосиятли кун, у одамларга меҳр улашади, — дегувчи эдилар онам.

Меҳр аслида қаердан бошланади? Инсонларнинг юрагидан эмасми? Наврўз эса инсонларнинг қалбига яқин айём. Одамлар бир-бирларидан меҳр қарздор эканликларини чуқурроқ англайдилар шу куни. Зеро, инсон улуғ. Нодирабегимнинг гўзал сатрларида айтилгани каби:

***Келди ашраф барча олам аҳлидин,***
***Йўқ эрур дунёда инсондин азиз...***

Қадаминг хуш келсин, нурли айём. Барчага меҳр улашавер. Токи, олам меҳр-муҳаббатга тўлсин!

*Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.*



*Алла — дунёдаги энг ёқимли кўшиқ.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

Назм

## Табиатга бўламиз ошиқ

***Айни шу кун ҳаво мўътадил,***
***Булутларни ҳайдайди шамол.***
***Булутлар ҳам сузишар дадил,***
***Ва бирикиб топади камол.***

***Осмон узра ғалат тимсоллар:***
***Сузиб борар сонсиз увада,***
***Бир сурати: кўп чорва моллар,***
***Чўпон ҳайдар уни тевада.***

***Бундай тева оламда битта!***
***Чун ўзгача шакли-шамойил.***
***Ўркачлар кўп... оёғи ўнта,***
***Лаҳза сайин тўзишга мойил...***

***Шаббодада ажиб тароват,***
***Ёмғир аста томчилар ерга.***
***Саховатин сочиб самовот,***
***Жон киритар далаю қирга.***

***Шамол олиб юксакда мақом,***
***Дуч келганни ҳайдар сарсари.***
***Бундай кунда ўзгача низом,***
***Пастлаб, учар қушларнинг бари.***

***Потмачумчуқ сайрайди тинмай,***
***Қумри қушлар айтади қўшиқ.***
***Наврўз тутган майни ичгандай,***
***Табиатга бўламиз ошиқ.***

*Оқилжон ҲУСАН.*

# ҲАР ТУНИНГ ҚАДР ЎЛУБОН, ҲАР КУНИНГ ЎЛСИН НАВРЎЗ!



*Наврўз элчилари.*

Туйғулар

# ЭНТИКИБ УЙҒОНДИ ЮРАКЛАР

***Тонг... Осмон ним кўкиш. Аллақаердан хўрозларнинг қичқирган овози эшитилади. Юзимни силаган майин шабада, димоғимга ўрик гулининг ёқимли исини келтиради. Қалбим қувнаб, энтикиб кетаман...***

Демак ҳаёт уйғонмоқда, диллар уйғонмоқда, сеҳрли табиат уйғонмоқда, энтикиб муҳаббат уйғонмоқда. Эринибгина бош кўтараётган қуёш ўзининг заррин нурлари билан оламни, дилларни чароғон этди, завққа тўлдирди...

Ўлкамизга баҳор ташриф буюрди. Унинг даракчилари бинафша, бойчечак, чучмома аллақачон ариқ лабларида олқишлаб, кутиб олган. Инсонлар янги кунни янгича умид билан қаршилайдилар. Баҳорнинг илк кунларидан сўнгги дамларигача байрамона руҳда ўтади.

Баҳорнинг илк байрами — Халқаро хотин-қизлар кунига Наврўз айёми уланиб кетди. Наврўзнинг узоқ тарихи эса «Шоҳ Жамшидга» бориб тақалади. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги аждодлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида шундай дейилган: «Жамшид подшо бўлгач, маъжусийлар динини янгилади ва бу иш қилинган кун, яъни Наврўз, «янги кун» деб аталди, бу кун гарчи у Жамшиддан олдин ҳам ҳурмат қилинган бўлсада, ҳайитга айлантирилди».

Тарихий-адабий манбаларда ёзилишича, илгарилари Наврўз бир неча кун, аниқроғи бир ҳафтагача байрам қилинган. Ана шу анъанани давом эттириб, Наврўзни март ойининг охири ўн кунлигида бутун мамлакат миқёсида ўтказилади.

Маълумки, Наврўз шарқ халқларининг муштарак байроғи, баҳорий удумларнинг асоси, бир риштага боғланувчи халқларнинг янада жипслашувига хизмат қилади. Бу байрамга момоларимиз буғдой ундириб «Сумалак» тараддудини бошлаб юборганлар. Зеро Наврўз асло сумалаксиз ўтмайди.

«Сумалак» сўзи ўттиз малак (фаришта) деган маънони англатади. Ривоят қилишларича, баҳорнинг илк кунларида Биби Фотима онамизнинг уйларида ҳеч егулик қолмабди. Очликдан силласи қуриган фарзандларини кўриб, ердан униб чиққан кўкатларни қозонга солиб қайнатаверибдилар. Фарзандлари ҳар «нон» деганда янги шижоат билан қозон кавлабдилар. Яратгандан ризқ-рўз беришини тилаб, бир кеча-ю бир кундуз пиширибдилар ва ҳолдан тойиб уйқуга кетадилар.

Бир вақт кўзларини очиб қарасалар, қозонни «ўттиз малак» кавлаётган эмиш. Шундан улар яратганга шукрлар, ҳамду санолар айтиб фарзандларини тўйдирадилар. Ана шундан бизга мерос бўлиб қолган ҳар йили Наврўзда яхши ниятлар билан дошқозонда сумалак пишириш.

Наврўзнинг яна бир ҳикмати шундаки, кун билан тун тенглашади. Демакки, мусулмонларнинг янги йили кириб келади ва ўзи билан юртимизга тинчлик-омонлик, хирмонларимизга барака, хонадонларга тўю томоша, юракларга бир олам қувонч олиб киради.

***Бойчечак чиқибди,***
***бугун Наврўз экан,***
***Ҳамма бир-бирига***
***жигар сўз экан.***
***Олам ҳам баробар***
***кеча-кундуз экан,***
***Бойчечак чиқибди,***
***бугун Наврўз экан.***

*Гўзал ОТАЖОНОВА.*

Диллашув

# АСАРЛАРИ — ЮРТ ҲАҚИДАГИ ҚЎШИҚ

***Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, сеҳрли мўйқалам соҳиби Ортиқали Қозоқовнинг номи 80-йиллардан буён тасвирий санъат мухлисларига яхши таниш. Бугунги кунга келиб эса уни кўплаб хорижий юртларда ҳам яхши билишади. У ўзининг бетакрор, ўлмас асарлари билан мустақил Ўзбекистонни бутун дунёга танитиш йўлида тинмай изланмоқда.***



**— Ортиқали ака, мана ўлкамизга баҳор ўз сепини ёйди. Биламанки, бошқа ижодкорларга нисбатан мусаввирлар баҳорни бўёқларга бойлиги учун ҳам кўпроқ севишади. Баҳор келиши билан улар кўпроқ ижод этиш учун тоғларга чиқиб кетишади. Тоғ бағридаги лолақизғалдоқлар назаримда уларни кўпроқ илҳомлантирадигандек туюлади. Сиз баҳорни қайси рангларда кўрасиз?**

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам баҳор фасллар келинчаги. Баҳор янги йилнинг бошланиши. Мен баҳорни оқ ва зангори рангларда кўраман. Тўғри, баҳорда бўёқлар кўп, лекин ердан қорнинг кетиши, янги йилнинг бошланиши бу поклик, оқлик билан боғлиқ нарсалар. Мен «Эгизаклар», «Янги кун», «Наврўз натюрморти», «Наврўз» асарларини чизганман.

«Наврўз» картинасида олдинма-кейин турган уч аёл тасвирланган. Уларнинг бошларида сопол идишлар. Биринчи аёлнинг юзлари очиқ. Бошидаги сопол идишда майса ўсган. Бу қадим-қадимдан Наврўз байрами нишонланиб келинаётганлигига ишора.

Ўртадаги аёлнинг юзлари йўқ. Бошидаги идиш ҳам қуп-қуруқ. Кўринишидан мотамсарога ўхшайди. Бу — собиқ шўролар тузуми даврида Наврўз байрамининг тақиқланганлигининг ифодаси. Ва ниҳоят учинчи аёлнинг юзлари очиқ, майда ўрилган сочлари кўксини тутган, қўлларини қовуштириб гўё таъзим қилиб турибди. Бошидаги идишда сумалак учун майсалар ўсган. Бу эса мустақиллик шарофати билан Наврўз байрамининг қайта тикланганлигига ишора. Халқ урф-одатлари, байрамлари абадийлиги ушбу картинада ёрқин бўёқлар ва ҳолатлар орқали тасвирланган.



**— Ортиқали ака, ҳар йили Наврўз кезларида ўз кўргазмангизни ўтказасиз. Боиси нимада?**

— Наврўз шунчалар улуғ байрамки, унинг тарихи минг йилларга бориб тақалади. Наврўз миллий ва маънавий қадриятларимиз, урф-одатларимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. У ҳар биримизда халқимиз ўтмиши, аждодларимиз маънавий меросига бўлган эътиборни кучайтиради. Ушбу айёмнинг кўклам нафаси уфурганда нишонланиши унинг бахт ва шодлик, янгиланиш ва уйғониш айёми эканлигини кўрсатиб турибди. Ўзингизга аён, ҳар бир инсон янги йил арафасида ўтган йилга маълум бир маънода якун ясаб, янги режалар тузади. Бу йил мен мухлисларимга «Наврўз соғинчи», «Олам аро олам», «Буви ва набира», «Чанқовуз оҳанглари», «Наврўз натюрморти» каби кўплаб асарларимни тақдим этаман. Биласизми, мен ҳар йили Наврўзнинг янги-янги қирраларини кашф этаман ва бу йўлда изланишдан ҳеч толмайман. Мен асарларимдаги образларга ўз кўзим билан бошқача қарайман. Ҳаётдан айнан кўчирмайман, балки қалб призмамдан ўтказиб, кейин одамлар ҳукмига ҳавола этаман.

**— Асарларингизни кузата туриб бир нарсага ҳайрон қолдим. Нега майса ўсган идишларни аёлларнинг бошига қўйгансиз, қўлида ҳам тасвирлашингиз мумкин эди-ку?**

— Э, йўқ, майса бу буғдой деганим. Буғдой эса нон-ку ахир. Нон ҳамма нарсадан улуғ. Уни фақат бошда эъзозламоқ даркор.

**— Назаримда, асарларингизни синчиклаб қаралса, асосий ўринда аёл тимсоли кўринади. («Кўк туя», «Байрам олдидан», «Келин кўриш», «Кутиш», «41-йил» кабилар). Бундан ташқари сизда миллийлик жуда кучли талқин этилган ва уларни Ватан ҳақидаги қўшиқлар деб аташ мумкин.**

— Ҳақиқатан ҳам тўғри айтдингиз. Менинг барча асарларим юртим, Ватаним Ўзбекистон ҳақидаги қўшиқлардир. Бу қўшиқларни яратиш учун асло тин олмайман. Шунинг учун ҳам меҳнатни ўзимга шиор қилиб олганман. Ватан ҳақидаги энг яхши қўшиқлар ҳали кўнглимнинг бир бурчида. Кўнглим эса бахтиёрлик билан, завқ-шавқ билан юртимни ёрқин рангларда куйлайверади.

**— Ортиқали ака, сиз билан халқимизнинг энг севимли байрамларидан бири бўлмиш Наврўз байрами юртимизда давом этаётган кезларда суҳбатлашаётирмиз. Шунинг учун келинг, «Тошкент оқшоми» газетхонларига ўзингизнинг тилакларингизни билдирсангиз.**

— Тўғри, ўлкамизга барчамиз интиқ бўлиб кутаётган тенгкунлик, қалбларга бир олам қувонч олиб келувчи Наврўз айёмининг кириб келишига саноқли кунлар қолди. Наврўз ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади. Зеро, бундай кезларда одамларнинг ширин ўйлари, орзу-умидлари мужассам. Истардимки, ҳар ким ўйлаган ниятига етсин. Яна инсон учун муҳим нарса, бу — соғлиқ. Шунинг учун ҳамма соғ ва саломат бўлсин. Баҳорий кайфият, баҳор қувончи оқшомхонларни асло тарк этмасин!

*Суҳбатдош*
*Маълура НАБИЕВА.*



*СУРАТЛАРДА: мусаввир Ортиқали Қозоқов устахонасида; рассом яратган асарлардан намуналар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

Муруввват

# ҚАЛБГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ

***Халқимиз бир олам қувонч билан ўзининг севимли байрами — Наврўзини нишонламоқда. Маълумки, Наврўз — саховат, меҳр-мурувват байрами ҳамдир. Бизнинг Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи С. А. Мусажонова билан суҳбатимиз ижтимоий таъминот бошқармаси ҳамда бошқарма тизимидаги туман бўлимлари ва муассасаларининг шу улуғ кунларда амалга ошираётган тадбирлари тўғрисида бўлди.***

— Шундай улуғ кунларда етим-есирлар, бева-бечоралар, ёрдамга муҳтож оилалар ва бир оғиз ширин сўзга муҳтож ёлғизларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бизнинг тизимимизда меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг шарафли бурчидир. Биз ана шундай хайрли ишимизни ўлкамизда Наврўз байрами давом этаётган шу кезларда ҳомийлар, хайрия жамғармалари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ўтказмоқдамиз.

Шаҳримизда соғ-саломат истиқомат қилаётган ёши улуғ — 100 ёшдан ошган кексалар рўйхати тузилиб, уларни Наврўз байрами билан қутладик. Ҳозирги кунда шаҳримизда 1300 дан ортиқ бировнинг қарамоғига муҳтож якка ёлғизлар бўлиб, уларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бундай тоифадагиларга ажратилган совға-саломлар жойлардаги ташкилот раҳбарлари ҳамда масъул шахслар орқали етказилди.

Ҳар доим бўлганидек Тошкент шаҳар ҳокимлиги Наврўз байрами арафасида катта ҳиммат кўрсатди. Ҳокимлик томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан ногиронларга ҳаракат-таянч воситалари, яъни 55 та ногиронлар аравачаси, 535 та эшитиш мосламаси, 130 дан ортиқ ҳасса-қўлтиқтаёқлар ажратилиб тарқатилди. Шулардан 20 та ногиронлар араваси ва 35 та эшитиш мосламаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан ажратилди.

Аёллар йили муносабати билан ногирон муҳтож аёлларга 21 та ногиронлар аравачаси, 241 та эшитиш мосламаси, 45 тадан ортиқ ҳасса тарқатилди.

Маълумки, бошқармамиз тизимида жисмонан ва ақли заиф болалар учун иккита Мурувват уйи ва эркаклар Мурувват уйи фаолият кўрсатиб, у ерда истиқомат қилаётган ногиронларга ҳам ҳомийлар томонидан совғалар билан бирга меҳр улашилди.

Шундай тадбирларни жойларда ўтказишда «Ногиронлар», «Наврўз», «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари катта ҳиммат кўрсатдилар.

Ҳа, Наврўз байрами халқимизнинг энг буюк, энг севикли ва эзгуликка, меҳр-муруввватга бой байрамидир. Ана шуни бу галги Наврўз шодиёналари давом этаётган шу кезларда меҳр-мурувватга муҳтож бўлган ҳамшаҳарларимиз яқиндан ҳис этишяпти. Зеро шундай улуғ кезларда муҳтож ногиронлар ва ёлғизлар ҳамда етим-есирлардан меҳр-мурувватни аямаслик, бир оғиз ширин сўз билан улар қалбига қувонч бағишлаш ҳар бир соф виждонли кишининг муқаддас бурчидир.

*Суҳбатдош*
*Саид БОТИРОВ.*

*Истиқлол ва миллий қадриятларимиз*

# III. ТАРИХНИНГ ТАРБИЯЧИЛИГИ НИМАДА?

***...Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсондир. Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.***

**Ислом КАРИМОВ**

ЎЗБЕК халқининг буюк даҳолари минг йиллар ва ундан ҳам ортиқ муқаддам дунё илми маърифати, юксак инсоний маънавият хазинасини бойитишга бебаҳо ҳисса қўшганларида уларга ҳам илоҳий, ҳам дунёвий билимлар замини, аввало, тарих, шу билан бирга, унга чинакам иймон ва эътиқод билан муносабатда бўлишдан иборатлигини идрок этишни ҳамон англаб етмаётганлар борлигини минг афсус билан қайд этишни истардик. Негаки, 16 февраль куни Тошкентда рўй берган ёвузлик иштирокчилари онгида на эл-юрт, на Ватан, на миллат ёки халқ деган тушунчалардан асар йўқлиги бунга ёрқин мисол бўлиб чиқади. Агар улар ўз халқи, буюк аждодлари тарихидан, улар қолдирган миллий, маънавий қадриятлардан лоақал озгина хабардор бўлганларида, ерли миллат сифатида келиб чиқишлари, ота-боболари, насл-насаблари билан нақадар улуғ зотларга тақалиши-ю ўзлари уларнинг энг юксак анъаналарини бугун давом эттиришга даъват этилганларини англаганларида бундай ёвузликка бормасдилар... Ҳар кимларнинг, айниқса, виждон, иймон, эътиқоддан маҳрум малъунларга оғиб кетмасдилар...

«Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Февраль воқеалари» мақоласини ахборот воситалари кенг кўламда тарқатди; шу муносабат билан Президентимизга келган телеграммалар, воқеалар ҳақида Президентимиз сўзлаган нутқлар қўшилиб китоб ҳам бўлиб чиқди... Қаранг, бутун жаҳон бўйлаб кенг тарқалган республикамиз ва унга ғоят оғишмай раҳбарлик қилиб келаётган Юртбошимизга бўлган иззат-ҳурматлар — жаҳондаги энг обрўли, эътиборли мамлакатларнинг бошлиқларидан тортиб, хориждаги ватандошларимизгача ҳаммаси бир оғиздан бизга ёвузлик қилганларни қоралайди, қарғайди, худонинг қаҳрига, халқларнинг қарғишига учрашларини Яратгандан илтижо қилиб сўрайдилар... Демак, дунёда ҳар қанча душман бўлгани билан, дўстларимиз, албатта кўп ва салмоқлироқ эканлиги, Юртбошимиз ва республикамизнинг обрў-эътибори, жаҳонда эришган ва эришаётган мавқеи ғоят юксак эканлиги яна бир бор эътироф этилди... Ушбу мақола қоғозга тушаётган вақтда радиодан Саудия Арабистонида яшаётган ватандошларимиз — Сафохон Тўра Марғилоний билан Мўминхон Андижонийлардан келган телеграммалар эшитилиб қолди. Ватандошларимиз ёвуз ниятлиларни ғоят нафрат ва ғазаб билан лаънатлайдилар, Юртбошимизга, республикамизга тинчлик, бахт-саодат ато этишни, ёвузларнинг ҳар икки дунёси куйиб кетишини, Оллоҳнинг энг оғир жазосига гирифтор бўлишларини Яратгандан сўрайдилар, Юртбошимизга узоқ умр ва сиҳат-саломатлик, олиб бораётган ишларига омад ва муваффақиятлар тилаб қоладилар, чин юракдан ҳамдардлик билдирадилар... Бошқа телеграммаларда ҳам шундай самимий дўстлик, меҳрибонлик ҳис-туйғулари изҳор этилган... Зеро айни кунларда шаҳар, туман, вилоятдагина эмас, ҳар бир маҳалла, ишхона, хилма-хил ўқув юртларида февраль воқеаларига муносабатлар билдирилган йиғинлар тинимсиз ўтиб турибди. Бу жуда тўғри иш. Зеро Юртбошимизга, давлатимизга, демакки, бутун бир Истиқлолимизга, тақдиримизга тажовуз қилмоқчи бўлган ёвузларга каттадан-кичик ҳар бир софдил инсон ўз қарашларини очиқ баён қилмоқда, ниҳоят, бусиз ҳаётнинг маъноси ҳам йўқ бўлса керак. Ахир бир ярим асрлик қарамлик, қулликдан кейин тақдир тақозоси билан эришилган эркинлик, озодлик, яна ҳам тўғрироғи — Миллий мустақиллик деб аталган энг олий неъматни қўлдан беришга ким рози бўларди?! Унга тажовуз қилиш ўз қони билан ўз қўлини ювишдек бир ёввойилик ёки ваҳшийлик эмасми?! Тарихлар, тақдирлар, ҳаётий тажрибалар ҳар қандай ёвузликлардан ҳамиша юксак туришини, адолат иймонли, инсофлилар томонида эканлигини минг марта исбот этган... Ўз халқи, Ватани, миллатига хиёнат қилганлардан биронтаси — ҳаётда бахтли бўлиб кетганини, қани айтингчи, ким кўрган? Ёвуз ниятлилар — ўз қилмишларига яраша жазони орадан эллик, олтмиш йиллар ўтиб кетгандан кейин ҳам, агар улар ҳамон тирик бўлса, олаётганлари ҳақида хабарлар эшитилиб туради-ку! Демак, буюк бобомиз Бобур айтганидек «Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тортғусидир». Ундан қочиб қутулиб бўлмайди...

Шу ўринда бир муҳим нуқтага алоҳида эътиборни қаратиш жоиз: жиноятчиликда шубҳа қилиб қидирув эълон қилинганларнинг деярли ҳаммалари ёшлар. Ҳатто бир ёш жувон ҳам эри билан бирга ёвузликка тортилган — бири 1971, бири 1977 йилда туғилган. Эндигина одам сафига қўшилиб — бемалол ишлайдиган, ҳалол кишилар қаторида яшаши мумкин бўлган ёшдагилар. Булар тенги ва улардан кўра кичикроқлар ўқишда, ишдагина эмас, энг ривожланган мамлакатларнинг олий ва ўрта ўқув юртларида таълим олмоқдалар, демак, Истиқлол уларга жуда ёшликданоқ жаҳонни кўришдек буюк тақдирни насиб этди... Булар бизнинг энг ишонган тоғларимиз, келажакда Ватан тақдирини ўз қўлларига олиб, халқимиз эришган буюк Истиқлол кун тартибига чиқарадиган муаммоларни ғоят билимдонлик билан энг самарали ечимларини излашга даъват этилганлар... Хўш, шундай буюк орзу-умидлар билан яшаётган фарзандларимизга ҳамманинг ҳаваси келиб турганда — нега ёвузликка сотилган хоинлар уларга умид ва ишонч билан боқмайдилар? Демак, улар йўлдан урилганлар, тўғри йўлдан озиб, ўзларига гўр қазилган тарафга оғиб кетганликларини нега англамайдилар? Буларнинг ота-оналари кимлар экан? Маҳалла-кўйлари, насл-насаблари-чи? Бундай ёвузларни ўстириб, вояга етказган замин бўлмаса — улардан туғма ёвузлик ёки қотиллик пайдо бўлмаса керак эди! Саволлар кўп. Жавоблар ҳам топилади. Аммо айланиб келиб, ёшларимиз, болаларимизни тарбиялаш энг катта муаммо бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз «Республикамиздаги ҳамма болалар — менинг болаларим, уларнинг тарбиясини нега бировларга топшириб қўямиз? Болаларимизни ўзимиз тарбиялаймиз» деганларида минг марта ҳақли эдилар ва бу кўрсатма бизга ҳам ғоят шарафли, масъулиятли ва янгидан-янги вазифалар юклайди. Демак, миллий кадрлар тайёрлаш, уларни Истиқлолимизга, демакки, Ватанимиз ва халқимизга садоқат руҳида тарбиялаш, дунёқарашларида миллий-маънавий анъаналаримизга ҳурмат ҳис-туйғуларини шакллантириш — бугун энг долзарб масала бўлиб қолди. Зеро, бу масала ҳамма замонларда — энг етук зиёлиларимизнинг диққат марказларида бўлиб келган... Шу ўринда гарчи такрор бўлса-да, бир нуқтага яна алоҳида эътиборни жалб этиш зарурати туғилмоқда — бу миллий тарих ва миллий анъаналар ҳақида. Буларнинг ҳар иккисига алоқадор бўлмаган инсон ҳам йўқ, ҳаёт ҳам йўқ. Бироқ ўша тарихми, адабиётми, анъаналарми, ҳаммасида бугун ва эртамиз учун ижобий аҳамият касб этадиганлари бор, эскириб бутунлай салбий таъсир қиладиганлари ҳам бор. Ана шуларни ажратиб олиш, эл-юрт манфаатига, келажакдаги тараққиётига хизмат қиладиганларини танлаб олиб, ижодий ривожлантириш, кераксизларини, ҳатто олға юришга халақит берадиганларини чиқариб ташлашни билиш, англаш учун ҳам муайян билим доираси, бинобарин ҳалол ниятли бир дунёқараш, ниҳоят истеъдод талаб этилади. Ана шу сифатларга эга бўлган шахслар замоннинг энг етук зиёлиси қиёфасига эришади. Биз ёшларни айни шундай бир руҳда тарбияласак, уларнинг дунёқарашларини ана шу заминда шакллантирсак — Истиқлолимиз учун энг фидокорлар табақасини тезроқ етиштирган бўлардик. Ҳар хил — бўлар-бўлмас иғволарга, текинхўрликка, порахўрликка, чет-четдан келадиган мўмай даромадларга учиб, ўз эл-юртига хиёнат қилиш сингари ёвузликка бормасдилар... Ахир, асли бизнинг Истиқлолимиз мафкурасининг туб негизи ҳам шундан иборат эмасми?! Бундай дунёқарашни шакллантиришда ўз миллий тарихимиз, адабиётимиз, буюк аждодларимиз қолдириб кетган маънавий меросларимиз ҳамон бизга энг ишончли замин сифатида хизмат қилади, кўмак беради...

Бу масаланинг бир томони. Айни замонда ёшлар тарбиясига кўпроқ ҳар хил таъсир, айтиш мумкинки, аксари салбий таъсир кўрсатаётган санъат соҳалари нега дурустроқ таҳлил этилмаяпти? Масалан, нуқул қотиллик, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик ва босмачиликларнинг турли-туман — энг даҳшатли шаклларини намойиш этаётган кўп қисмли кинолар, ўзбек куй ва миллий руҳдан бутунлай бегона эстрада қўшиқлари ва қўшиқчиларининг тинимсиз тарғиб этилиши каби ҳолатларга ким қарайди? Экранда содир этилаётган жиноятларга бағишланган киноларни энг кўп томоша қилаётганлар кимлар ва улар бу томошалардан жиноятчиликка қарши курашни ўрганишдан кўра кўпроқ қандай қилиб жиноятчиликка кириш йўлларини ўрганиб қолишларини ўйлайдиганларимиз борми, ўзи? Оддий халқ минг марта булар ҳақида телерадио кўрсатувларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда, кўрган, кузатиб юрганлар билишади. Аммо бу ишларга раҳбарлик қилишга даъват этилганларчи?! Ломмим демайдилар. Нега десангиз «демократия, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, санъат эркинлиги» каби энг муқаддас ибораларни рўкач қилишади. Ваҳоланки, биз тилга олиб ўтган эркинликлар чиндан ҳам энг улуғ ва муқаддас фикр-мулоҳазалар мажмуидан ташкил топган. Аммо бундай муқаддас ва бебаҳо фикр ва иборалар юксак онгли жамият табақаларига, ўзининг олий мақсади деб эл-юрти бахт-саодати тўғрисида ўйлайдиган, шунинг учун иймон ва эътиқодини, борлиғини холис бахшида этган кимсалар учун қўлланадиган сўзлардир... Буни теран идрок этиш, шунга қараб фаолият кўрсатиш эса бугун энг фидойи инсонлар табақасини шакллантириш, ҳатто иложи борича кўпайтиришни талаб этмоқда... Мана шуларнинг ҳаммаси яна айланиб келиб, тарихимиз, адабиётимиз, маънавий меросимизни чуқур ўрганишни тақозо қилади...

Дунёда ғалати инсонлар қанча кўп бўлса, ғалати воқеа-ҳодисалар ҳам шу қадар сероб...

Шуларнинг ҳаммасига муносабат ва муносабатда энг тўғри йўл тута билиш эса ундан ҳам кўра мураккаб ва қийин. Барча замонларда ҳам зиддиятлар, курашлар, ҳалол ва ҳаромларнинг гуруҳлари бўлган, бундан кейин ҳам бўлаверса керак. Ана шундай бўлинишларда қайси бир томонга ўтиш эса ҳар бир инсоннинг асл қиёфасини белгилайди. Барча халқларнинг буюк даҳолари ҳам, улар қайси миллат, элат, ирқ, қабилага мансублигидан қатъи назар, энг оғир, энг мураккаб, энг чалкаш ва тангликда фақат ўз эл-юртларигина эмас, ҳатто бутун жаҳон манфаатларини ўйлаб иш қилганлар.

Қаранг: миллий қадриятларимизни тиклаш борасида етти йиллардан буён қилинаётган ишларни кўплар етмиш йилда ҳам қилинмасди деб баҳоламоқдалар. Шу жумладан динимиз, масжидларимиз, намоз-рўзалар, ҳайитлар, Ҳаж сафарлари, буюк диний арбобларимизга қурилаётган мақбаралар, ниҳоят иймон ва эътиқод эркинлиги тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиниб келинаётган бир тарихий вазиятда турли-туман баҳоналар билан ёвузликка оғиш, ўз юртига хиёнат қилиш қайси динга киради-ю бу орага дин деган ўта муқаддас иборани қандай сиғдириш мумкин?! Ниҳоят «Туркистон-пресс» агентлиги мухбирининг саволларига Президентимиз берган жавобларида бизнинг динга, яъни ҳақиқий, энг соф Ислом динимизга нақадар юксак эътиқод билан қарашларимиз яна бир бор чуқур ифодалаб берилди. Ахир динни рўкач қилиб ҳар хил жиноятларга қўл ураверишкабоҳат эмасми? Президентимиз бу масалада Истиқлолимиз қарашларини янада тўлароқ, янада мукаммалроқ ифода этиб бердилар...

Биз бу фикр-мулоҳазаларга нега кўпроқ ўрин бердик? Мазкур ишда бунга қандай эҳтиёж бор?

Ҳамма гап шундаки, бугун мазкур мулоҳазалар бизнинг ҳаётий талабларимиздан келиб чиқади. Зеро, адабиёт тарихи ҳамиша замон, кун тартибига чиқарган муаммоларни ҳал этишга кўмак беришини кўзлайди. Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийлар яшаб ижод этган йилларда ҳам бундай зиддиятлар, курашлар тўлиб-тошиб ётган, ҳаммасига улар иложи борича ижодий ёндошишга, шу йўл билан энг тўғри муносабатда бўлишга интилганлар, бинобарин, уларнинг ҳаммаси ҳамиша ёшларимиз тарбиясида миллий анъаналаримиз билан энг долзарб замонавий талабларга тўғри жавоб беришни кўзда тутганлар. Зеро, бу ҳаётий қонунга риоя этмасдан олға томон юриш мумкин эмаслигини улар жуда чуқур англаб етганлар.

ХХ асрнинг ўнинчи йилларида бир қатор Усули жадид мактабларига етакчилик қилган Маҳмудхўжа Беҳбудий тарих, адабиёт, математика, жўғрофиядан дарсликлар ёзган, хариталар тузиб чоп эттирган, уйида мактаб очиб, болаларни текин ўқитган, кутубхоналар ташкил этиб ёшларга таълим-тарбия бергани ҳақида илгарилари ҳам ёзганмиз. Аммо бугун яна такрорлашга эҳтиёж туғилди. Октябрь тўнтариши арафаларида ва худди ўша тўнтариш йилларида ҳам Туркистон болалари таълими, тарбияси ҳақида талай илмий, публицистик мақолалар билан матбуотларда чиқиб туради. Шулар орасида «Баёни ҳақиқат» сарлавҳали мақола билан 1912 йилда ёзилган «Падаркуш» драмаси алоҳида аҳамият касб этиши билан ҳамон ўз қимматини сақлаб келади. Бу ҳар икки асарда кўтарилган мавзуда муаллиф аввало Туркистон болалари тақдири тўғрисида жуда катта фидойилик билан ғамхўрлик қилади. Аммо буларда кўтарилган масалалар бир халқ ёки миллат манфаатлари доирасидан чиқиб, аллақачон умуминсоний мавқега кўтарилгани билан ҳам бебаҳо маънавий хазина бўлиб қолди. Негаки, «Падаркуш»даги саводсиз, узоқни кўриш қобилиятидан маҳрум бой ўз ўғли тарбиясига қарашга ҳам ярамайди. Ўзига тўқ, таъминланган бойнинг ўғли Тошмурод доим кўча-кўйда маишат қилиб юриб, ярамас ўғрилар, ичкиликка, фоҳишабозликка берилиб кетганлар доирасига кириб қолади... Худди шу туфайли ўғри болалар билан бирга ўз уйига ўғирликка тушади, отасини ўлдириб, бор-йўғини олиб кетишда бош бўлади. Буни Беҳбудий «Падаркуш» деб номлайди. Эътибор қилинг, таълим-тарбиядан четда қолганлардан бизга не-не бахтсизликлар содир бўлмоқда? Ҳамон жиноятчилар айни ўшалар эмасми? Ўқиш, иш, катта орзу-умид ёки ажойиб ҳунар деб юрган ёшлар дунё кезиб юрганда — бугун жиноятчи сифатида қочиб юрган ва қидиришларга дучор бўлган ёшлар қаёқдан пайдо бўлди? Уларнинг қалбига буюк аждодларимиз маънавий мерослари нури нега сингдирилмади? Минг афсуски, оила, мактаб, таълим-тарбия, маҳалла деган муаммолар ҳамон кўнгилдагидек ечимини топаётгани йўқ экан?! Шундай дейишга мажбурмиз... «Баёни ҳақиқат» мақоласида Беҳбудий миллий мустақилликнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида — ёшлар тарбияси эканлигини, келажак шулар қўлида туриши-ю ҳар қанча қийинчиликлар билан бўлса-да, уларни тўғри тарбиялаш лозимлиги ҳақида ғоят чуқур фикр-мулоҳазаларини баён қилади ва ўз мулоҳазаларини айни ҳақиқат деб изоҳлайди, яъни бошқача бўлиши мумкин эмас, деган аниқ фикрни олға суради... Беҳбудийнинг бу қадар аниқ мулоҳазалари 1913-14 йиллардаги диний фанатикларнинг ғашини келтирган, улар Беҳбудий ва Усули жадид мактабларини очиқдан очиқ инкор этиб, ҳаммасини кофир деб эълон қилишган. Беҳбудий эса бир неча бор йиғинларда, матбуотларда махсус чиқишлар қилиб, чинакам мусулмон билан ясама динчилар ўртасида нақадар катта тафовут борлиги, иғвогарларнинг даъволарида ҳеч қандай диний асослар йўқлигини исботлаб берган ва дин номини сотиб аслида Ислом динига хиёнат қилаётганларини зўр илмий ва диний заминда фош этиб ташлайди. Бу борада Беҳбудий Қуръондан ва машҳур Миср фузалоси Муҳаммад Абдо таълимотларидан далиллар келтиради...

Мана шу тарихий воқеалар бизнинг ХХ аср ўзбек адабиётини нақадар чуқур ва кенг кўламда ўрганиш масаласини янада кескинроқ қилиб қўймайдими? Шу биргина мисолнинг ўзи тарихимиз билан бугун ўртасида қандай узвий, қандай адабий, маънавий ва маърифий боғланишлар мавжудлигини кўрсатмайдими?!.. Бугина эмас, Беҳбудийнинг содиқ шогирдларидан бири Фитратни бир эслайлик. Қанчадан-қанча шеър, ҳикоя, пьесаларни ёшлар тарбиясига бағишлайди. Дарсликлар ёзади. Биз уларни ҳозир рўйхат қилиб ўтирмаймиз, кўп марта эълон қилганмиз. Аммо «Бедил», «Ҳинд Ихтилолчилари», «Ҳинд сайёҳи», «Чин севиш» каби қатор асарларидан тортиб, «Ўгут», «Шарқ», «Шоир» каби қатор шеърларида Фитрат бутун борлиғи билан Туркистон болаларини дунё микёсида таълим-тарбия олишлари устида ғамхўрлик қилади. Ўз ватани, ўз миллати, яъни эл-юрти бахти-саодати йўлида хизмат қилишга даъват этади. Ёшларни фақат шундагина бахтли ҳаётга эришувига ишонтиришга интилади. Эл бахти учун хизмат қилмайдиганлардан ранжийди... Дунё фақат олға қараб кетаётганда Туркистон ёшлари ҳам олдинги сафларда бўлишга интилишлари, жаҳон микёсида фикрлашга қодир шахслар бўлиб етишишлари кераклиги, бўлмаса оёқ ости бўлишга маҳкум этилиши муқаррардир деган ғояни зўр бадиий услубларда ифодалайди...

Шу ўринда Фитратнинг юртимиз ёшларига қарата юрак қўри билан ёзган энг ҳароратли, аниқ фалсафий чуқур хитобнома тарзида пайдо бўлган «Ўгут» сарлавҳали шеърини бир эслаш жоиз кўринди:

**ЎГУТ**

***Оғир йигит! Сенинг гўзал, нурли кўзингда***
***Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқидим.***
***Ўйлашинг-да, туришинг-да, ҳамда ўзинг-да***
***Бу юрт учун қутулишнинг***
***борлиғин кўрдим.***
***Турма, югур, тинма, тириш, букилма,***
***юксал!***
***Ҳурма, кириш, қўрқма, ёпиш, юрма, қўзғол!***
***Эл йўлини тўсиб турғон эски булутларни***
***Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин***
***йўқ эт!***

***Қила олмасанг шу ишларни***
***Сенинг учун хўрликдир бу,***
***Йиқил, йўқол, кет!..***

(25-йил)

Шеърий сатрлар ортиқча изоҳга муҳтож эмас, деярли ҳаммага тушунарли. Ундаги етакчи ғоя — замон ёшларига қарата махсус қофияли хитобнома сифатида майдонга ташланганлиги билан ғоят аҳамиятлидир... Фитратга замондош, ўша йилларда ғоявий жиҳатдан зид қарашларга эга бўлган шоир ва олим Боту ҳам Москва Давлат Университетида ўқиб юриб, ўзбек ёшлари тарбияси ҳақида муттасил ғамхўрлик қилган ва жуда кўп мақолалари, шеър ва ҳикоялари айни шу мавзуда ёзилган. Шулардан бирини Боту ҳам «Ўгитим» (бир қиз альбомига) сарлавҳаси билан атайди; шеърда ёшларга куч-қувват, матонат, иродали бўлиб етишишни тилайди. Ҳаётда қийинчиликлар, тўсиқлар кўплаб учраши, ундан фақат куч-ғайрат, чидам, ўқиш, меҳнат билангина енгиб ўтиш лозим деган ғояни зўр бериб тарғиб қилади.

Боту ўқиб турган йилларида Тошкентда чиқиб турган газета ва журнал таҳририятларига тез-тез хатлар ёзиб, ўзбек ёшларини жаҳон воқеаларидан хабардор қилиб туришга интилади, уларнинг билим доираларини кенг кўламда ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади... Бошқа бир фурсатда булар ҳақида алоҳида тўхтармиз... Ҳозир эса, унинг «Ўгутим» шеъри билан танишайлик; бу ҳар икки ўгутда ҳам турли услубда ёшларга насиҳатлар, маслаҳатлар берилади, уларни эл-юрт бахти учун ишлашга даъват этилади... Мана Ботунинг шеъри:

***Тебраниш, югириш турмушнинг тузиги;***
***Тўхталиш, йиқилиш ўлимнинг узиги.***
***Ёш кўнгил умидлар боғида ўйнасин;***
***Ёш гуллар саодат нурида гулласин.***
***Тилаксиз, амалсиз юраклар қора тош!***
***Ёш ўйноқ кўзлардан оқмасин дардли ёш.***
***Яхши қиз, тўхтама қаршилиқ қошида!...***

(24-йил.)

Бошлаган мавзуимиз ғоят кенг. Булар ҳақида кўплаб ёзиш керак. Аммо ҳозир шу айтилганлар билан чекланиб туриб, эътиборингизни бир жуда муҳим нуқтага тортиш билан хулосалаймиз. Буюк даҳоларимиз Алишер Навоийдан тортиб кейинги номлари тилга олинганларигача ҳаммалари ғоят буюк мақсадни — элга хизмат қилиш, инсонларга бир вафо қилиш учун юз жафо кўрганларида ҳам иймон-эътиқодларига ғоят содиқ бўлиб қолганлари билан абадий ибратга дахлдордир...

*Аҳмад АЛИЕВ.*



*Шаҳримиздаги 254-мактабда кўпдан буён маънавият ва маърифат маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Унга она тили ва адабиёт муаллимаси Мунира Толипова раҳбарлик қилади.*

*Унинг ёрдами билан 11-синф ўқувчилари ўзбек халқ оғзаки ижоди намунаси — «Алпомиш» достонининг тўйига бағишлаб саҳна асаридан парча тайёрлашди. Уни томоша қилишга Алпомиш билан боғлиқ жойларда тадқиқотлар ўтказган, филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов, «Алпомиш» фильмининг муаллифи Шомирза Турдиев, шоира Ойгул Суюндинова ва бошқалар таклиф қилинди.*

*СУРАТЛАРДА: меҳмонлар ўқувчилар ҳузурида; саҳна асаридан парча.*

*Равиль Альбеков олган суратлар.*



## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**«Тошкент универмаги» супермаркет ОАСИЧЖнинг Кузатув Кенгаши шуни маълум қиладики, 1999 йил 20 апрель соат 10.00 да Тошкент шаҳар Ўзбекистон шоҳкўчаси, 17-уйда универмагнинг 4-қаватидаги Шон-Шуҳрат хонасида жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Тошкент универмаги» супермаркет ОАСИЧЖнинг 1998 йил бўйича молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш. Балансни тасдиқлаш, 1998 йил бўйича фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш.
2. Универмагнинг 1998 йилдаги молиявий фаолиятини текшириш натижалари бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Аудиторнинг 1998 йил бўйича хулосасини тасдиқлаш. 1999 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
4. Акциядорлик жамиятининг 1999 йил учун тараққиёт дастурини тасдиқлаш.
5. Акциядорлик жамиятининг 1998 йилдаги фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уларни тўлаш тартиби ва муддатини тасдиқлаш.
6. Акциялар пакетларининг хорижий сармоядорларга сотилиши тўғрисидаги ҳисобот.
7. Акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши таркибига қўшимча сайловлар.
8. Акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси таркибига қўшимча сайловлар.
9. Ҳар хил масалалар.

Акциядорлар рўйхати 1999 йил 5 мартга бўлган маълумот асосида тузилган. Умумий йиғилишга доир ахборот ва материаллар билан универмаг маъмурий биносининг 2-қаватида (16-хона) жойлашган Кузатув кенгашида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 12.00 гача танишиш мумкин.

Акциядорларни рўйхатга олиш 1999 йил 20 апрель соат 9.00 дан бошланади.

Акциядорларда улар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядор вакилида эса ундан ташқари ишонч қоғози бўлиши керак.

**«Тошкент универмаги» очиқ акциядорлик савдо ишлаб чиқариш жамиятининг 1999 йил 1 январга бўлган БАЛАНСИ**

(минг сўм)

| Актив | суммаси | пассив | суммаси |
|---|---|---|---|
| 1. Узоқ муддатли активлар | 57345 | 1. Ўз маблағларининг манбалари, шу жумладан: | 140807 |
| 2. Айланишда бўлган активлар | 298611 | Низом фонди | 55280 |
| | | 2. Мажбуриятлар | 215149 |
| Баланс | 355956 | Баланс | 355956 |

**Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот**

| | |
|---|---|
| Сотилишдан тушган тушум | 1371934 |
| Ялпи даромад | 369263 |
| Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда | 164005 |
| Соф фойда | 51274 |

Баланснинг тўғрилиги «Ўзбексавдо Аудит» ЛТД аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган. 1994 йил 19 майда берилган 18 сонли рухсатнома (лицензия).

**14.04.99 йил соат 11.00 да Чилонзор даҳаси 26-мавзеда жойлашган «ТОШКЕНТ СУТ» ҳиссадорлик жамияти биносининг мажлислар залида акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтади.**

**Акциядорларни рўйхатга олиш 9.00 дан 11.00 гача**

**КУН ТАРТИБИ**

1. **Молия-хўжалик фаолиятининг 1998 йилги хулосаси.**
2. **Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.**
3. **Дивидендларни тақсимлаш.**
4. **Бошқа масалалар.**

**«Шарқ гули» Масъулияти чекланган жамиятнинг 1998 йил фаолияти якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши 1999 йил 22 апрель куни соат 10.00 да «Шарқ гули» МЧЖ биносида ўтказилади.**

*Манзилимиз: А. Қодирий кўчаси, 78-уй, тел. 41-20-56.*

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

***Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.***
***МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.***

Ҳарбий лицей томонидан Нурматжон Тоҳирович Холматов номига берилган ўрта махсус маълумот тўғрисидаги № 037568 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

* * *

Тошкент шаҳридаги 9-мактаб томонидан Феруза Маннонова номига берилган O'R-A № 007544 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

